



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 58 (10.867)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

Кечка сатрларда

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «Верона» ресторанида «1-Катта Чилонзор», «2-Катта Чилонзор» маҳаллаларида яшовчи кам таъминланган оилалар аъзолари иштирокида ўтказилган тадбир Ижтимоий ҳимоя йили ҳамда Наврўз байрамига бағишланди.

● **ШАХРИМИЗДА** халқ таълими муассасалари ўқитувчилари, мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари, педагоглар иштирокида **ЎТГАН** кунни уюштирилган илмий-амалий анжуманда болани мактабга тайёрлашнинг замонавий усуллари, бола тарбиясида замонавий педагогик технологияларнинг роли муҳокама қилинди.

● **ЎТГАН** кундан шахримизнинг фаол ёшлари ўртасида «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ташаббуси билан «Кадрият, урф-одат, миллий анъаналар ва «Шар» мавзусидаги курик-танловнинг шаҳар босқичи бошланди. Ушбу тадбир 31 мартгача давом этади.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги «Кулолқўрғон» маҳалласида янгиликлар, яшарли айёми муносабати билан маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида уюштирилган Наврўз байрами тадбирида йирилганларга дастурхон тузалиб, ош тортилди, соғалар берилди.

● **ШАЙХОҲТОХУР** туманидаги «Самарқанд дарвоза» маҳалла гузарига «Саодат чамани» мактаби ташаббуси билан туман хотин-қизлар кўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими, Тошкент Ислам университети ҳамкорликларида уюштирилган тадбир «Ислам—эзулик, тинчлик, осейшталлик дини» деб номланди.

● **ҲАМЗА** туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Машинасозлар» маҳалласида яшовчи ўсмир ёшлар ўртасида кўл жанги бўйича уюштирилган мусобақа Наврўз байрамига бағишланди.

● **БЕКТЕМИР** туманидаги «Рохат» маҳалла гузарига сиёсий партиялар вакиллари билан 293-мактаб ўқувчилари иштирокида ўтказилган давра суҳбатлари партияларнинг жамият тараққиётидаги ўрни муҳокама қилинди.

● **МИРЗО** Улўғбек туманидаги Тошкент Транспорт касб-ҳунар коллежида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлари бўйича ўринбосарлари қатнашган амалий семинарда ёшлар тарбияси шаклланишида маънавий-маърифий тарбиянинг аҳамияти муҳокама қилинди.

● **МИРОБОД** туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида фаол аёллар, хотин-қизлар кўмиталари раислари, маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирокида ўтказилган анжуман хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига бағишланди.

● **БОРОВСКИЙ** номидаги Тошкент тиббиёт коллежида Ижтимоий ҳимоя йилига бағишлаб талабалар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир «Ижтимоий ҳимоя йилининг мақсад ва вазифалари» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

**ЮРТИМИЗДА
ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ
УЧУН ЯРАТИЛГАН
ИМКОНЯТЛАРДАН
ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЁТГАН
МИРЗО УЛУҒБЕК
ТУМАНИДАГИ «ОМАД-ХИЗМАТ»
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИАТИ ЖАМОАСИ АНИК
МАҚСАДЛАРИНИ КЎЗЛАГАН
ҲОЛДА АҲОЛИ МАНФААТИ
ЙЎЛИДА МЕХНАТ
ҚИЛМОҚДА.**

Қарор ва ижро

АНИК МАҚСАДЛАР КЎЗЛАНГАН

Мазкур жамиятнинг 10 нафар аъзолари эркак, аёл ҳамда болажонларга сифатли кийим-кечаклар тиқиши билан бирга, аҳолининг хоҳиш-истагига асосан кийимларни таъмирлашни йўлга қўйишган. Малакали, касбининг ҳақиқий устасига айланган бичиқчи, кўли гул тикувчиларнинг касб-маҳоратлари ҳамшаҳарларимизни маннун этмоқда. Чунки бу даргоҳдан бирор тижознинг кўнгли тўлмаётган бўлиши, боиси, эркаклар учун костюм-шим, нимча, кўйлак, аёллар учун кундалик либослар, эксклюзив, тантаналарда кийишга мўлжалланган кечки кўйлаклар, пальто, сюртук, пиджак, плашлар ҳамда фарзандларимиз учун буюртма асосида келтирилган махсус матолардан устки либослар замонавий дизайнда тикилади.

— Президентимизнинг 2006 йил 17 апрелдаги, «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда соҳаси

кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чоралари тўғрисида» қарори билан бирга, аҳолининг хоҳиш-истагига асосан кийимларни таъмирлашни йўлга қўйишган. Малакали, касбининг ҳақиқий устасига айланган бичиқчи, кўли гул тикувчиларнинг касб-маҳоратлари ҳамшаҳарларимизни маннун этмоқда. Чунки бу даргоҳдан бирор тижознинг кўнгли тўлмаётган бўлиши, боиси, эркаклар учун костюм-шим, нимча, кўйлак, аёллар учун кундалик либослар, эксклюзив, тантаналарда кийишга мўлжалланган кечки кўйлаклар, пальто, сюртук, пиджак, плашлар ҳамда фарзандларимиз учун буюртма асосида келтирилган махсус матолардан устки либослар замонавий дизайнда тикилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жамият аъзолари, нафақат ўз ишларининг усталари ҳисобланишди. Шунинг баробарида миқдорлар билан доимо хушмуомалада бўлишди. Бундай муваффақиятларга ўз-ўзида эришиб бўлмастаси сир эмас, албатта. Жамият тадбиркорларининг самарали саъй-ҳаракатлари, мазкур соҳадаги янгиликларни ўрганиш, аҳил жамоа аҳлининг асосий эътиборини сифатга қаратган ҳолда ишга ижодий ёндошишлари, изланишлари асосида йил сайин аҳолига намунали хизмат кўрсатиш борасида сезиларли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бунинг натижасида миқдорлар сафи кенгайиб, янги иш жойлари ҳам яратилмоқда.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТДА: «Омад хизмат» масъулияти чекланган жамияти меҳнат фойдалидан лавҳалар.
Наталья Семёнова олган сурат**

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ВА
ҲИНДИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ЎРТАСИДА ДИПЛОМАТИК
МУНОСАБАТЛАР
ЎРНАТИЛГАНИГА 15 ЙИЛ
ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ
БИЛАН
МАМЛАКАТИМИЗДА
ҲИНДИСТОННИНГ «АЖ»
ГАЗЕТАСИ СИЁСИЙ
МУҲАРРИРИ САТЯ
ПРАКАШ АСИМ
РАҲБАРЛИГИДАГИ БИР
ГУРУХ ЖУРНАЛИСТЛАР
ТАШРИФ БУЮРДИ.**

Ҳиндистонлик меҳмонлар Тошкентда ўтказган матбуот анжуманида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Бунда Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани қайд этилди.

Ҳиндистоннинг Ўзбекистон ҳаёти ҳақида мунтазам

ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН ҲАМКОРЛИК

материаллар бериб борадиган энг нуфузли нашрлардан бири — «Аж» газетаси Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ҳаққимиз танлаган тараққиёт йўли ва юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар бераётган юксак самаралар, аввало, халқ фаровонлигини янада юксалтириш ва аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилганига алоҳида эътибор қаратади.

Таниқли ҳинд журналисти Алок Шехар ушбу газетанида чоп этилган «Тарихий ришталар ва маданиятлар муштараклиги» мақоласида шундай деб ёзади: «Бугунги кунда мамлакат иқтисодиёти хоржий сармоядорлар диққатини тўбора кўпроқ ўзига жалб этмоқда. Бунинг биринчи сабаби Ўзбекистоннинг бой табиий захиралари бўлса, иккин-

чи сабаби — мамлакатда қарор топган мустаҳкам сиёсий ва ижтимоий барқарорликдир».

«Аж» газетасининг ёзишича, муастакил Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини тўбора ошираётган сабаблардан яна бири юртимизда илм-фан, маданият, маърифат ва санъат равишига, қадимий миллий кадрларимизни тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган улкан эътибордир. «Яқинда Самарқанд Бухоро зиёратига чиқиб, — деб ёзади Алок Шехар — «Ўзбекининг ҳар гапига меҳр муҳасам» мақоласида, — бунга яна бир бор амин бўлдим: ҳар қадамда қадимий обидлар қад ростлаб турибди, ҳар қадамда — азиз-авлиё, пиру устозлар хоки. Иккони бўлганида, Ўзбекистоннинг ҳар бир гўшасини яёв зиёрат қилиб чиққан бўлар эдим. Чунки,

ҳеч бир юрда илму одоби, тафаккури билан етти иқлимга донг таратган азиз-авлиёлар бу қадар кўп эмас. Шу боис бу закийлик қаршида нафақат биз, ҳиндлар, балки бутун дунёнинг мана-ман деган зотлари ҳам ҳайратда».

Тадбир доирасида «Ўзбекистон — Ҳиндистон — вақт синовидан ўтган ҳамкорлик» ҳужжатли фильмнинг тақдими бўлди. Унда ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги қадимий алоқалар ва истиқлол йилларида мамлакатларимиз ҳамкорлиги натижасида эришилган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Мазкур фильм икки мамлакат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бораётганига яна бир далил экани таъкидланди.

**Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири**



**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан «Кучли ижтимоий ҳимоя—демократик жамиятнинг асосий тамойили сифатида» мавзусида конференция ўтказилди. Анжуманда Юртбошимизнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қароридан белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижросига жамиятимизда катта эътибор қаратилаётганлиги алоҳида таъкидланди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедураларни тартибга солишнинг қонуний асосларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ходимлари, Ички ишлар вазирлиги академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчилари, халқаро лойиҳалар экспертлари иштирок этди.

● Нукус транспорт касб-ҳунар коллежида Буюк Британияда ўтказилган Кураш Халқаро Ассоциацияси фахрий Президенти Ислам Каримов аънавий халқаро турнири голибаси Илмира Ихлосова билан учрашув ўтказилди.

● Кутлуг тўйга ҳозирлик қўраётган кўхна Марғилон шаҳрида бир неча маҳаллалар учун ўзига хос қулайлик яратилди—Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси шаҳардаги элликлан зидд маҳалла фуқаролар йиғини идораларига компьютер ҳада қилди. Барча компьютерлар замонавий модем алоқа тизими ёрдамида шаҳар «Маҳалла» жамғармасидаги марказий пултга уланган.

● Наврўз байрами арафасида ҳаво йўлларида янги қатнов очилди — «Самара-Нукус-Самара» авиайўналиши бўйича авиалайнер парвоз қила бошлади. Унинг биринчи рейсида Нукусга самаралик мутахассисларнинг бир гуруҳи етиб келди.

● Қашқадарёда «Экология ва саломатлик» кунлари доирасида умумхалқ ҳашари ўтказилди. Қарши шаҳри ва туманларда уюштирилган ҳашарда 50 мингдан ортқ киши қатнашиб, қишлоқ ва маҳаллалар, қорхона ва ташкилотлар, аҳоли яшаш жойларининг санитария-гигиена ҳолатини яхшилашга қаратилган тозалик ва ободончилик ишларини амалга оширдилар.

ЖАҲОНДА

● Германиянинг Берлин шаҳри ўтган 2 кун давомида Европа Иттифоқининг пойтахтига айланди—бу ерда Европа Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. ЕИга аъзо 27 та давлат раҳбарлари қатнашган саммит давомида Германия федерал канцлери Ангела Меркел ушбу ташкилотни янгиллаш фурсати келганлигини таъкидлаб, бу борадаги ўз тақлифларини билдирди.

● БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун илк бор Иордан дарёсининг қарғий қирғоғига ташриф буюриб, Фаластин мухторияти раҳбари Махмуд Аббос билан учрашди.

● Европа Иттифоқида аъзо мамлакатларнинг транспорт вазирилари АҚШ билан самолёт қатновлари учун ҳаво йўлини очиб бериш масаласида бир қарорга келишди. Таҳлилчилар ушбу шартнома авиация қатнови бозорига рақобат қучайиши ҳамда билет нархлари арзонлашишига олиб келишини таъкидлашмоқда.

● Кеча Германияда амалга оширган бир қатор қабих жиноятлари—ГФР бош прокурори ва яна етти кишининг ўлимида айбланган 5 та умрбод қаноқ жазоси ҳамда яна 15 йил ҳибсда ўтиришга ҳукм қилинган Бригитта Монхаупт 24 йил панжара ортида ўтирганидан сўнг мудатидан аввал озодликка чиқарилиди.

● Франциянинг «Тотал» нефт компанияси раҳбари Кристоф де Нержи айни пайтда тергов қилинмоқда. У бундан ўн йил олдин Эронда очилган янги газ қониини ўзлаштириш ҳуқуқини қўлга киритиш учун мазкур мамлакатнинг юқори лавозимли шахсига 80 миллион доллар миқдорда пора берганликда гумон қилинмоқда.

● Кеча Япониядаги Хонсю оролининг Ишияма ва Итаяма префектураларида руй берган Рихтер шкаласи бўйича 6,9 баллик zilзла оқибатида 1 киши ҳаётдан кўз юмди, 160 дан ортқ фуқаро турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Зилзила оқибатида қўллаб уйлар ваёрон бўлди, автомобиль йўллари издан чиқди, юқоридаги префектуралар ўртасида темир йўл ҳаракати тўхтади.

● Лондонда Россия Федерацияси паспорти ва турли мамлакатлар гувоҳномаларини қалбақлаштириш билан шуғулланувчи гуруҳ қўлга олинди. Қаноққа олинганларнинг аксарияти Бразилия фуқароларидир.

● Москва шаҳрида жойлашган тунги клубларнинг бирида чиққан ёнғин оқибатида 10 киши ҳаётдан кўз юмди, клубга келган 150 нафар шахс эса қутқариб олинди. Мураккаблиги бўйича 2 тонфали деб ҳисобланаётган ушбу ёнғиннинг оловли шоу ижро этилаётган пайтда чиққанлиги маълум бўлди. Дастлабки таҳминларга кўра, ушбу кучли ёнғин хавфсизлик қондаларининг бузилиши натижасида юзага келган.

Долзарб мавзу

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ – ИҚТИСОДИЙ ЮКСАДИШ ОМИЛИ

**БУГУНГИ КУНДА ЮРТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИШ
МАҚСАДИДА УЛАРГА СОЛИҚ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР ҲАМДА ЕНГИЛЛИКЛАР
БЕРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.**

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING БЮДЖЕТ ВА
ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР ҚЎМИТАСИ РАИСИ АБДУРАФИҚ АҲАДОВ
БИЛАН СУҲБАТИМИЗ ШУ ҲАҚДА БЎЛДИ.**

— Авваламбор, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджети концепцияси мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, ислохотларни чуқур-

лаштириш ва жамиятни эркинлаштириш борасидаги устувор йўналишлардан, эришилган макроиқтисодий кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди. — дейди А.Аҳадов.— Бюджет да-

рамадларини шакллантиришда асосий эътибор солиқларга қаратилган. Бюджетнинг даромад қисми тузилмаси ўзгарганлиги, яъни бевосита солиқлар улуши камайиб, ресурс тўлови ҳажмининг ошиши бозор тамойилларига мос бўлиб, ҳозир бу жараён тизимли равишда давом эттирилмоқда.

Солиқ концепциясининг асосий йўналишларида барқарор иқтисодий ўсишни, иқтисодий ва унинг алоҳида соҳаларини макроиқтисодий ва молиявий баланслилиги ҳамда халқнинг турмуш

даражасини оширишни таъминлаш каби устуворликлар асос қилиб олинганини қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, солиқ концепцияси солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш, мазкур тизимни нафақат солиқларни ундирувчи, балки биринчи галда рағбатлантирувчи механизм сифатида ташкил этишга қаратилган бўлиб, ушбу муҳим масалани амалга оширишда соҳа мутасаддиларидан катта масъулият талаб қилинмоқда.

(Давоми 2-бетда).

УЖМШ: МЕНИНГ УЙИМ - МЕНИНГ МУЛКИМ

Ширкат — ибрат
ФОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲАМДА ТУМАНЛАР ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ УЮШМАЛАРИНИНГ «МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ҮТКАЗАН «ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЭНГ ЯХШИ ТАЖРИБАСИ» КЎРИК-ТАНЛОВИ ЯҚУНЛАНИБ, ФОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ ВА УЛАРГА ЭСДАЛИК СОВГАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ.

Маълумки, бугунги кунда уй-жой коммунал соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш борасида пойтахтимизда ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. «Менинг уйим — менинг мулким» шиори остида кўп қаватли уйларда яшовчиларда яшаш жойларини асраш ва сақлашда, ободонлаштириш юмушларини адо этишда фаолликларини оширишга эришилаётганлиги тарғибот-ташвиқот ишларининг самарали бўлаётгани натижадир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2007 йил бошида пойтахтимизда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари сони 2086 тага етди. Уй-жойларга хизмат кўрсатиш учун ширкатлар билан шартнома асосида фаолият юрятаётган профессионал бошқарув компаниялари 96 тани ташкил этади. Шунингдек, лифтларга хизмат кўрсатувчи 13 та муқобил ташкилотлар тузилган.

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларидаги уйларнинг ихчамлашуви, битта уйдан иборат ширкатлар сонининг ортиб бориши ислохотлар ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бунинг билан бир қатор уйлар «Тажрибали ертўла» ва «Чиройли айвон» номинациялари бўйича фолибларни кўлга киритди. Барча йўналишлар бўйича фолиб деб топилганларга совғалар топширилди.

Айтиш лозимки, ширкатлардаги уйларнинг ихчамлашуви, битта уйдан иборат ширкатлар сонининг ортиши уйнинг бошқариш ва хизматни ташкил этиш, умумий мулкни асрашда қулай эканлигини исботламоқда. Бу кўрик-танлов яқунларида ҳам алоҳида таъкидланди. Шу боис ҳам ҳозирда пойтахтимизда бир уйли хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари сафини ошириш бўйича ишлар давом этмоқда.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси мажлисида коммунал хўжалик соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштиришни доимий эътибор талаб қилаётган устувор йўналишлар қаторида таъкидлаб, амалга ошириладиган вазифаларни аниқ кўрсатиб берганликларини айтиш лозим. Шу ўринда Юртбошимиз «Битта ширкат томонидан хизмат кўрсатиладиган уйлар со-

ҳамда ширкатларнинг ҳар бири режа асосида кўп қаватли уйларнинг муҳандислик коммуникацияларини таъмирлаш ишлари олиб борилади. Бунга 1991 йилгача қурилган кўп қаватли турар жой бинолари кирди. Ушбу мукамал таъмир қачон тугалланиши кўзда тутилган? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Суратларда: ширкат аъзолари ўзаро ҳамжиҳат бўлса, уйлар ҳаммиша кўркем бўлади.

Азамат Аҳмедов олган суратлар



Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: ширкат аъзолари ўзаро ҳамжиҳат бўлса, уйлар ҳаммиша кўркем бўлади.

Азамат Аҳмедов олган суратлар

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

Биз яшаётган моддий олам сир-синоатларга тўла. Яқинда Руминиянинг жанубий-шарқий Қора денгизга яқин жойда гор топилган. Унинг қандайдир геологик ҳалоқат сабабли бундан 5,5 миллион йил муқаддам ташқи оламдан мутлақо узилиб қолганлиги аниқланди. Форда ва ундаги кўлнинг 1,5 метр чуқурлиқдаги тубида турли хил майда жониворлар яшар экан. Утган миллион йиллар давомида горда яшовчи жонотлар шаклан ўзгара борган. Жами 50 турдаги майда жониворларнинг 33 хили ҳозиргача фанга мутлақо маълум эмаслиги гоёт ҳайратланарлиқдир. Яна шуни қизиқчи, машҳур ёзувчи Артур Конан Дойлнинг «Йўқолган дунё» романида тасвирланган воқеалар билан ушбу гор ўртасида қандайдир боғлиқликлар борга ўхшайди.

Тбилисидаги «Саванэ» фирмаси Грузиянинг виночиликка ихтисослашган энг еркса корхоналаридан ҳисобланади. Фирма ертўласида юзлаб турли нобё ичимликлар сақланади. Улар орасида 360 йиллик «Вабога қарши» рус ароғи, 1886 йилда ишлаб чиқарилган «Мухранули» виносси, 300 йиллик венгер ликёри ва бошқа ичимликлар бор. Бу ичимликлар орасида «N» ҳарфи босилган коньяк шишаси мутахассислар эътиборини тортди. Кейинроқ маълум бўлишича, салкам юз йилдан буён сақлаб келинаётган ушбу коньякни император Наполеоннинг ўзи тайёрлаган экан. Ичимлик императорнинг ертўласидан «ўлка» олинган бўлиб, шу вақтгача ҳеч қимнинг эътиборини жалб қилмаганлиги қизиқ.

Майда кемирувчилар ўларанинг йирткич кушандасини кўриши билан дарҳол кўрқиб қочиши ва ўзини панага олишини ҳамма билади. Худди шу пайтда уларда огрикни сезмайдиган тўйгу пайдо бўларкан. Канадалик олим Мартин Кавальеннинг сичқон устида олиб борган тажрибалари натижалари шуни кўрсатдики, агар сичқон хид билиш органлари орқали сувсар ҳидини сезса, 15 дақиқа давомида огрик сезиш қобилиятини йўқотар экан, агар сувсар ҳиди унга яна таъсир этса, у ҳолда огрикни сезмаслик 45 дақиқача чўзилади. Кавальеннинг таъкидлашича, бундай хусусият одамда ҳам мавжуд экан.

Чивин кимни кўпроқ қақайди? Бу саволга Қоҳира дорилфунни олимлари аниқ жавоб бердилар. Уларнинг фикрича, чивин ҳаммани ҳам қақавермас экан. Бу нарса одамнинг қандай матодан кийим кийганлигига боғлиқдир. Чивинлар кўпроқ шойи ва нейлондан кийим кийган кишиларни ёқтиради. Бошқа кийимдагилар улардан кўркмасликлари ҳам мумкин.

Япониялик муҳандислар поезд йўлларидаги турли кўнгилсиз ҳодисалар ҳамда тўқнашувларнинг олдини олишда жуда катта ёрдам берувчи янги қурилма ихтиро этдилар. Қурилма инфракизил нурда ишлайдиган камерадан иборат бўлиб, тунда кўриш имкониятини беради. Шу билан бирга, у йўлда турган бир километр узқликдаги одамлар, ҳайвонлар, машиналар, ҳуллас харорати бўйича ҳаводан 0,15 даража фарқ қиладиган ҳамма нарса тасвирини локомотивнинг олдинги ойнасига чиқиб кўрсатади. Бу янгилик муаллифларнинг таъкидлашича, у Япония темир йўлларидаги тўқнашувларга мутлақо барҳам бериши, фожеаларнинг олдини олиши аниқ.


Швейцарияда яратилган митти қурилма, айникса уй ҳайвонларини асровчи кишилар учун жуда асқотайди. Бу электрон мослама ҳайвонлар учун зарар келтирмайди. У ҳайвон териси ичига жойлаштирилади. Унинг ҳажми гуруч донасидай бўлиб, ҳайвонларга ҳеч ҳам нуқуллик туғдирмайди. Қурилманинг ўзидан махсус кодли сигнал тاراتиб туриши, ҳайвон йўқолса уни осонгина топиш имкониятини яратайди.

Сув остида ҳам худди қуруқликдаги каби бўяш мумкинми, деган саволга Япониянинг «Шу-гаки Марин Пэти» фирмаси ҳодимлари «албатта» деб жавоб қайтардилар. Чунки улар сув остида ҳам худди қуруқликдагидек бўяш мумкин бўлган махсус бўёқ яратишга муваффақ бўлишди. Янги бўёқ икки компонентдан иборат бўлиб, у фақат ишлатиш олдиндангина бир-бирига қўшилади. Биринчиси — асоси эпоксид елимли бўйадиган эмаль, иккинчиси эса алоҳида хоссали пластификатордир. Бу пластификаторни бўёқ билан аралаштириб, сув остидаги юзага суртилса, унинг молекулалари бўялган юзадаги сув молекулаларини сиқиб чиқара бошлайди. Бўёқ турли материалларга мос келаверади. У сувни ифлослантормайди ҳам, захарламайди ҳам.

«Рекордга шошилманг» деб огоҳлантиради Швейцарияда чиқадиган «Вельтвотхе» газетаси. Нима учун? Ахир Гиннеснинг «Рекордлар китоби»га киришни кимлар орзу қилмайди. Гап ейиш-ичиш билан боғлиқ рекорд кўрсаткичлари ҳақида кетаяпти. 1979 йилда Оклахома штатида истиқомат қилувчи Люк Вердес 30 сония ичида тўртта лимонни пўчоги билан чайнаб, шов-шувга сабаб бўлган эди. Мақсад рекордчилар китобига илиниш ва шундай бўлди ҳам. Афсуски, орадан бир неча ой ўтиб, уни қорин огрикни безовта қила бошлаган. Текширув ошқозон-ичкада яра пайдо бўлганлигини кўрсатди. Чикаго шаҳри фуқароси Энтони Жефферс 33,5 сонияда 1,5 кило музқаймоқни паққос тушириганида, журналистларга интервю беришга ҳам улгурмаган эди. Атиги 15 дақиқадан сўнг у ҳушидан кетиб, операция столига ётқизилган, ташхис эса кўрчак. Шундай қилиб, инсон соғлиги ва умрига ҳавф туғдирувчи рекордларга эришишга ҳавас қилмаслик керак.

Ботаникларнинг ҳисобига кўра, ер юзиде об-ҳавони олдиндан айтиб берадиган ўсимликларнинг 400га яқин тури мавжуд экан.

Япон физиологларининг тажрибаларидан маълум бўлишича, шовқин таъсирида одам танасида пиомин деган дармондори кескин камайиб кетар ва шунинг учун ҳам одам шовқинда ўзини ёмон ҳис қилар экан. Мутахассислар сершовқин жойда ишловчиларга сабази, туҳум, сўл истеъмол қилишни тавсия қилишмоқда. Бу сурфланиб кетган дармондори ўрнини қоплар эмиш.



КЕЛГУСИ ЙИЛ УЧУН РЕЖАЛАР ҲАМДА ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

(Давоми. Боши ўтган саҳифаларда)

Сўнгра жорий йилга мўлжалланган мажбурий тўловлар ҳажми ўтган йилга бадаллар миқдори билан қиёсланади ва хоналар мулкдорларининг бундай харажатларни кўтаришга қодирлиги баҳоланади. Агар ширкат бошқаруви ва мулкдорлар режалаштириладиган харажатларни тўлашга лаёқатли деб билса даромадлар ва харажатлар сметаси лойиҳасини (ва тегишли ишлар режасини) умумий йиғилиш эътиборига ҳавола қилиш мумкин. Агар ширкат бошқаруви режалаштириладиган харажатларни тўлашга турар жойлар мулкдорларининг кўпчилиги лаёқатли эмас, деб билинса, ишлар режаси лойиҳаси устидаги иш давом эттирилади. Бундай ҳолда бошқарув айрим иш турларини кечиктирилган ишлар рўйхатига ўтказиш (уларнинг муҳимлиги даражасини ва ширкат аъзолари хоҳишини эътиборга олиб), ёки айрим иш турларини бажариш усулларини ўзгариштириш ҳақида асосланган қарор қабул қилиши керак. Шу тарзда ишлар режасининг иккинчи варианты ва тегишли харажатлар сметаси (ишлар рўйхати/ҳажмини қисқартириш учун) ишлаб чиқилади. Режалар ва харажатлар сметаси ишлар режаси ва ХУМШнинг молиявий ресурслари мос келмагунча давом эттирилади. Бунда албатта келгуси таъмирлашлар фондиди тузиш кўзда тутилиши керак, унинг миқдори кечиктирилган ишлар муддати ва қиймати билан зич боғлиқ.

Умумий йиғилишга бир неча ишлар режалари, тегишли даромадлар ва харажатлар сметалари, мажбурий тўловларнинг ҳажми бўйича таклифлар киритилиши мумкин.

III.3 Умумий йиғилишга тайёргарлик кўришда бошқарувининг ширкат аъзолари билан ҳамкорлиги

Ширкат бошқаруви аъзолари (жумладан, ижрочи директор — бошқарувчи) кўп қаватли уйдagi умумий мулк айнан хоналар мулкдорларига тегишли эканлиги, уларнинг ҳисобидан сақланиши, шу сабабли айнан улар ўз мулкларини бошқариш мақсадларини белгилаши лозимлиги ва тегишли қарорларни қабул қилишда иштирок этишга ҳақли эканликларини ёдда тутишлари зарур.

Келгуси йил иш режаси, даромадлар ва харажатлар сметасини тайёрлашда ХУМШ бошқарувининг ширкат аъзолари билан ҳамкорлигидан кўзланган асосий мақсад — мулкдорларнинг хоҳиш ва истакларини олдиндан аниқлаш ва барча ҳужжат лойиҳаларида уларни инобатга олишдан иборат. Бунга турли йўللار билан эришиш мумкин:

— йил давомида аҳолининг бошқарувга кўрсатувчи ташкилотга мурожаатлари ва аризалари таҳлили;

— деворий «Таклифлар» яшиги орқали мунтазам равишда таклифлар тўплаш;

— мунтазам равишда ширкат аъзолари/аҳоли билан кундалик муаммоларни муҳокама этиш учун учрашувлар ўтказиш;

— хоналарни режалаштиришда кўздан кечириш пайтида улардаги умумий мулк қисмлари ҳолатини баҳолаш мақсадида суҳбатлашиш;

— квартиралар бўйича махсус сўровлар ўтказиш (2-илова, 7-мисол) ва ҳ.

Мулкдорлар фикрлари ва мулоҳазаларини максимал даражада эътиборга олиш ширкат бошқарувига ширкат аъзолари томонидан умумий йиғилишда кўллаб-қувватланадиган режалар ва сметаларни тайёрлашга ёрдам беради. Бошқарув ширкат аъзоларига йиғилишгача барча ҳужжатлар лойиҳалари билан танишиш имконини бериши шарт (Қонуннинг 20-моддаси), бу хоналар мулкдорларини бошқарув таклифларини конструктив муҳокама қилишга, бошқарувга эса таклифларнинг қайси бир маъқуланишини, қайси таклифлар муҳокама мураккаб кечиши, етарлича асос ва сабаблар ишлаб чиқилишига ёрдам беради.

Агарда умумий йиғилишда бошқарув ёки тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш — қўшимча равишда сайлаш лозим бўлса, ширкат олдиндан ўз аъзоларига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлашни сўраб мурожаат этиши мумкин. Бундан ташқари, уйда истиқомат қилувчиларга мурожаат қилиб, уларни ширкатнинг жамоат қўмиталарида ёки комиссияларда иштирок этган ҳолда бирор марта ёки мунтазам равишда ширкатга унинг фаолиятидаги турли масалаларни ҳал қилишда қанчалик ёрдам бера олиши мумкинлигини билиб олишни таклиф этиши мумкин. Таклифнома-сўровнома намунаси 2-иловада (8-мисол) келтирилган. Умумий йиғилишда ширкат қўмиталари таркибининг тасдиқлаш мумкин.

III. Хонадон аъзоларининг йиллик умумий йиғилишини ташкил қилиш.

Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик бўйича ташкилий масалаларга ширкат аъзолари учун қулай бўлган умумий йиғилиш вақти ва жойини белгилаш, ширкат аъзоларини хабардор қилиш ва уларни мазкур тadbирда фаол иштирок этишга жалб қилиш, шунингдек йиғилиш ўтказиладиган жойни тайёрлаш кабилар кирарди.

Йиғилишни дам олиш кунлари ёки кечки пайт, яъни ширкатнинг ақсарият аъзолари ишда банд бўлмаган вақтда ўтказиш тавсия этилади. Йиғилишни ўтказиш жойи ширкат аъзолари эгаллик қиладиган уйда имкон қадар яқин бўлиши керак.

III.1. Ширкат аъзоларига умумий йиғилиш ҳақида хабар қилиш.

Ширкат аъзоларини умумий йиғилиш ҳақида хабардор қилиш усули Низом билан белгиланади (Қонуннинг 20-моддаси). Уй-жой мулкдорлари ширкатининг умумий йиғилиши қарори билан йиғилиш ўтказиш тўғрисидаги хабар қуйидаги шаклда берилиши мумкин: ширкат худудидаги белгиланган жойларда (уй подъездларида, уйга бириктирилган худудда) эълонлар ёпиштирилади, хабарнома озғак ёки ёзма шаклда тилхатлар варақасида ишчи кўйиш эвазига топширилади ёки почтадан (буюртма хат) орқали аъзоси ёзма равишда билдирган манзил бўйича юборилади ва ҳ.

Умумий йиғилиш ҳақидаги хабарномада куйидагилар кўрсатилади: — умумий йиғилиш кимнинг ташаббуси билан қақирилмоқда; — йиғилишни ўтказиш жойи ва вақти; — йиғилиш кун тартиби.

Хабарномаларни топширишда бошқарув ширкатининг йиғилишида бирор сабабга кўра (сафарда ёки банд бўлиш, касаллик ва бошқа сабаблар) иштирок эта олмайдиган аъзолари ҳақида маълумот олиши мумкин. Бундай ҳолларда бошқарув ширкат аъзоларига йиғилишга ўз вақилини юбориши мумкинлиги ҳақида эслатма беради ва уларга ишонч хати намунасини таклиф этади. Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида хоналарга эгаллик қилиш ҳуқуқига дахлдор масалалар қўрилмаслиги сабабли ишонч хати оддий ёзма шаклда бўлиши (Қонуннинг 21-моддаси) ва нотариус тасдиқдан ўтмаслиги мумкин.

Хоналар мулкдорларининг вақили ҳақида хусусийлаштирилмаган хоналарга жавобгар ташкилот вақили йиғилишда иштирок этиш учун ишонч хати эга бўлиши керак. Мазкур ҳужжат ташкилот раҳбари ва муҳри билан тасдиқланади.

Сўранг, жавоб берамиз

МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ РЕЖАСИ ҚАНДАЙ?

Бизга маълумки, пойтахтимизда ҳар йили режа асосида кўп қаватли уйларнинг муҳандислик коммуникацияларини таъмирлаш ишлари олиб борилади. Бунга 1991 йилгача қурилган кўп қаватли турар жой бинолари кирди. Ушбу мукамал таъмир қачон тугалланиши кўзда тутилган? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Сурайё Омонова, Кодир Йўлчиев, кўп қаватли уйда яшовчилар

Ушбу саволга Тошкент шаҳар уй-жой-коммунал худудий фойдаланиш бирлашмаси мутасаддиларидан олинган қуйидаги маълумот билан жавоб беришни лозим топдик.

— Шахримиз аҳолисига кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатини ошириш, кўп қаватли уйларнинг техник ҳолатини яхшилаш ҳамда давлат томонидан уй-жой мулкдорлари ширкатларини кўллаб-қувватлаш мақсадида Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 1 мартдаги 74-сонли қарори билан тасдиқланган Дастурга асосан 1991 йилгача қурилган кўп қаватли турар-жой биноларида муҳандислик коммуникациялари тубдан алмаштирилмоқда.

2006 йилда пойтахтимиздаги 791 та уйнинг муҳандислик коммуникациялари мукамал таъмирланди. Ушбу иш 554 та уйда давлат бюджети ҳисобидан, 237 тасида эса маҳаллий ҳокимият, ҳомийлар ва аҳолининг маблағлари эвазига амалга оширилди.

Шунингдек, Президентимизнинг ўтган 2006 йил 25 июлдаги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида шаҳримизда Дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра пойтахтимизда 2007-2010 йиллар давомида 1991 йилгача қурилган 1696 та, шу жумладан жорий йилда 494 та кўп қаватли уйларнинг муҳандислик коммуникацияларини мукамал таъмирлаш кўзда тутилган.

Ҳозирги пайтда мукамал таъмирлаш ишларини олиб бориш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган ва пудрат ташкилотлари билан шартномалар тузилмоқда.

**САЙЁҲЛАР
ОҚИМИ
КЕНГАЙМОҚДА**

ЎЗБЕКИСТОННИНГ АВСТРИЯДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ВА УШБУ МАМЛАКАТНИНГ «OTA-SKY-WAYS» САЙЁХЛИК КОМПАНИЯСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 16 МАРТИДАН ЧАРТЕР РЕЙСЛАР ОРҚАЛИ АВСТРИЯ, ШВЕЙЦАРИЯ ВА GERMANIYA ДАВЛАТЛАРИНИНГ ЮРТИМИЗГА САЁХАТИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ

Мамлакатимизда барча соҳалар сингари сайёҳликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларимизда кўп қадимий меҳмонхоналар қад ростилаб, сервис хизмати тўхдан яхшиланди. Соҳада хусусий секторнинг уллуши тўбора ортмоқда.

Сайёҳликни ривожлантиришда унинг инфратузилишга таъминлаштириш муҳим ўрин тутаяди. Юртимиздаги мажхуд йўллар таъмирланиб, кенгайтирилмоқда, янгилири барпо этилмоқда. Илгари юртимизга санқолик мамлакатидангина сайёҳ келган бўлса, ҳозир йилга дунёнинг қарийб 120 мамлакатидан ўртача 250 минг сайёҳ келиб-кетаяди. Ҳар йили кўп юртимизда ўтказилдиغان сайёҳлик ярмаркаси бу кўрсаткичнинг ошишига хизмат қилмоқда.

Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган мамлакатлар миллий сайёҳлик компаниялари ва халқаро ташкилотларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш мақсадида 2004 йилда Самарқандда мажхуд ташкилотнинг ваколатонаси очилгани ҳам диққатга сазовордир. Ўзбекистон кўп давлатлар билан сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузган.

Ўзбекистон нафақат тарихий обидалари, бекторооб табиати билан ҳам жаҳон сайёҳларини ўзига ром этмоқда. Айни пайтда юртимизда спорт сайёҳлиги ва экотуризм изчил ривожланипти. Сайёҳлар орасида альпинистлар, чанги спортга қизиқувчилар кўпаймоқда. Шу билан бирга, кишилар билимини оширишга қаратилган саёҳат турлари ташкил қилинган. Сайёҳлар тарихий, маданий, диний соҳага оид маълумотлар олмақда. Ўзбекистоннинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганапти.

Чартер рейси билан келган сайёҳларнинг дастлабки гуруҳи Хива ва Бухорони зиёрат қилганларидан сўнг Самарқанд шаҳрига келди. Улар шаҳардаги Регистон мажмуаси, Гурьамир мақбраси, Бибихоним масжиди сингари тарихий обидалар қаторида истиқлол йилларида бунёд этилган замонавий таълим даргоҳлари ва меҳмонхоналарни томоша қилдилар.

Саёҳат Наврўз кунларига тўғри келгани боис меҳмонлар вилоятдаги байрам тантаналарида ҳам иштирок этишди.

— Ўзбек халқининг Наврўзни нечоғли шоду хуррамлик ва тантана билан нишонлашини қўриб ҳавасимиз келди, — дейди австриялик сайёҳ Вольф Артман. — Наврўз сайли, турли халқ ўйинлари, кўй-қўшиқлар, ўзбек миллий таомлари бизда унутилмас таассурот қолдирди.

«Ўзбекиризм» миллий компаниясида маълум қилишларига, Австрия, Швейцария ва Германиядан тўғридан-тўғри амалга оширилган авиакатновлар бўйича 11 майга қадар мамлакатимизга қарийб 1,5 минг нафар сайёҳ келиши кўзда тутилган. Уларни қўли олиш ва қорони даражада хизмат кўрсатиш учун барча чора-тадбирлар белгиланган. Сайёҳлар қадимий шаҳарларимиздаги барча қулайликларга эга, замонавий меҳмонхоналарга жойлаштирилмоқда. Тарихий обидаларга саёҳат, миллий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати буюмлари намуналари билан таништириш ишлари ҳам халқаро меҳмонлар доирасида амалга оширилляпти.

(ЎзА)

**ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ
ЛУГАТИДА ПАРРАНДА ГРИППИ
ТУШУНЧАСИ БУНДАН ЧАМАСИ УЧ
ЙИЛ ИЛГАРИ ПАЙДО БЎЛГАНДИ.
АММО ВИРУСОЛЛАР БУ ҲАҚДА
АНЧА АВВАЛ — НЕЧА-НЕЧА
ЙИЛЛАР ОЛДИН ТЕГИШЛИ
МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН.
АНИҚРОҚ ҚИЛИБ АЙТГАНДА,
ПАРРАНДА ГРИППИ ВИРУСИ
МАВЖУДЛИГИ АНИҚЛАНГАН,
БИРОҚ УНИНГ
ҚўЗАТҚУЧИЛАРДАН ТАШКАРИГА
ТАРҚАЛИШИ ҚАЙД ЭТИЛМАГАНДИ.**

Халқаро эпизоотик ташкилот манбаларига қараганда, биринчи марта парранда гриппи 2003 йилнинг куз ойларида Хитой, Жаңубий Корея, Вьетнам, Таиланд, Покистон, Осиёнинг бошқа жаңубий-шарқий давлатларидаги айрим қишлоқларда қузилган, кейин унинг вируси Чили, Қисман АКШ сарҳадларидан ҳам ўтган. Парранда гриппининг бошқа қитъаларга ҳам бундай тарқалиши, албатта жаҳон жамоатчилигини ташвишга солди. Бу касалликнинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш масалалари республикамизда ҳам ҳар томонлама қаттиқ назоратга олинди.

Табиатда турли касалликлар, хусусан ўта хавфли юқумли касалликларнинг юзга келишига сабаб бўлувчи 200 дан зиёд вируслар учрайди. Бу касалликларнинг айниқса қуз-қиз масмуларида кенг тарқалиши ахши маълумдир. Шу боис ҳам ҳар йили эпизоотик вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида махсус штаблар тузилади. Бундан ташқари, маҳаллий ижроия идоралари ва жамоатчилик тузилмалари вакиллари ҳамда турли соҳа мутахассислари таркибида доимий фаолият юритувчи эпизоотик мияга қарши кураш факулдига комиссияси бў йўналишдаги ишларни мувофиқлаштириб боради, зарурият туғилса, тезкор чора-тадбирларни ҳам амалга ошириш ваколатига эга. Парранда гриппи ўта хавфли ҳисобланган 15 та юқумли касаллик гуруҳига киритилган ва асосан уй паррандалари ва ҳайвонлари орасида учрайди, аммо унинг вируси инсон саломатлигига ҳам зиён етказиши эҳтимоли бор. Дунёда ушбу касаллик тарқалишига нисбатан эътирозларнинг кўнайиб бориши ҳам шундандир.

Мутахассислар фикрига қараганда, ушбу касалликнинг тарқатувчиси масмулар оралигидеа учиб ўтувчи ёввойи қушлар бўлиб, лекин

**СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ —
ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ОМИЛИ**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳамда тадбиркорларга ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги иш ўринларини барпо этиш, рақобатбардош махсулотлар тайёрлаш борасида ҳамда рағбатлантириш, уларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларини ҳал қилиш, айланма маблағларни кўпайтириш, бир сўз билан айтганда, бозор иқтисодиёти талабларига мослашиши учун етарлича шарт-шароит яратилган. Давлат томонидан бундай тарзда қўллаб-қувватлашнинг муҳим йўналишларидан бири — солиқ имтиёзлари.

— Кичик бизнес субъектлари, хусусий корхоналар ва яққа тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар учун яратилган солиқ имтиёзлари ва энгилликлар ҳусусида ҳам гапириб берсангиз.

— Мамлакатимизда ҳўжалик юритувчи ва тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор имтиёзлар ва энгилликлар мавжуд. Президентимиз Ислон Каримовнинг шу йил 14 мартда қабул қилинган «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдорига» ги Фармони бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур Фармонга кўра, ҳўжалик юритувчи субъектларга уч йил мобайнида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдорига, тегишли ҳисобот даври учун ҳисобланган амортизация маблағларидан фойдаланиш шарти билан, фойдадан олиндиган солиқ базасини камайитириш ҳуқуқи берилди.

Ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технология жиҳозлар беш йил муддатга мулк солиғидан озод этилади. Солиққа тортишининг соддалаштирилган тартиби қўлланиладиган ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналари учун беш йил давомида ягона солиқ

тўлови тўлашда солиққа тортиладиган базани харид қилинган янги технологик жиҳозлар қийматига тенг, аммо солиққа тортиш базасининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайитиришга ҳолда солиқ имтиёзлари жорий этилади.

Ушбу Фармонда кўзда тутилган солиқ имтиёзлари янги жиҳозлар ишлаб чиқаришга жорий этилган пайтдан бошлаб навбатдаги солиқ ҳисоботи даври учун қўлланилиши ҳам белгиланган бўлиши мумкин.

Солиқ кодексининг 8-моддасига биноан микрофирма ва кичик корхоналарга солиқ солишини ягона солиқ тўлови тўлашни назарда тутувчи соддалаштирилган тартибини ёки умумий тарзда белгиланган тартибдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашни танлаш ҳуқуқи берилган.

Юртбошимизнинг 2005 йил 20 июндаги «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармонига мувофиқ, ўша йилнинг 1 июлидан эътиборан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ, бюджетдан ташқари Пенсия жағфармаси, Республика йўл жағфармаси ва Мақаб таълими жағфармасига мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилган. Натияжда шу тоифадаги солиқ тўловчиларга тўғри келадиган солиқ юки 15,2 фоиздан 13 фоизга камайитирилди. Жорий йилда ушбу кўрсаткич 10 фоизни ташкил қилади.

Солиққа тортишининг ушбу соддалаштирилган тартиби шу йилнинг 1 январидан савдо ва умумий оевлатиш корхоналарига ҳам жорий этила бошланди. Солиқ юкининг камайитирилиши натияжада ушбу тоифага мансуб солиқ тўловчилар томонидан ўтган йили 27,1 миллиард сўм маблағнинг иқтисод қилинишига эришилди.

Таъкидлаш керакки, республикамизда фаолият кўрсатаётган микрофирма ва кичик корхоналар жорий йил охиригача истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган тушумдан ягона солиқ тўловини амалдаги ставкадан 25 фоизга камайитириш

тирилган ҳолда ставка бўйича тўлайдилар. Уларнинг истеъмол товарлари тайёрлаш бўйича физик ҳажмларини кўпайтириш ҳисобига олинган даромадлари (фойдаси) ягона солиқдан озод қилинади.

Экспорт қилувчи микрофирма ва кичик корхоналар учун умумий савдо-сотик ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган ва эркин алмаштирилдиغان валютага экспорт қилинган товарлар (ишла, хизматлар) экспорти улуши қараб ягона солиқ тўлови тўлашининг қуйидаги тартиби белгиланган: экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача миқдорда бўлганда - белгиланган ставка 30 фоизга камайитирилади, экспорт улуши 30 ва ундан кўпроқ фойда бўлганда эса белгиланган ставка икки баравар камайитирилади.

Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган микрофирма ва кичик корхоналар маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқариш маҳсулотидан олинган даромадлар ягона солиқ тўлови тўлашдан озод қилинган.

— Ягона солиқ тўлови тўлашдан асосан қандай корхоналар озод қилинади?

— Ягона солиқ тўлови тўлашдан ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жағфармаси ва «Ўзбекистон чернотилчида» уюшмаси тасарруфида бўлган, ишловчилар умумий сонининг камидеа элик фоизини ногиронлар, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийлари ташкил қилган микрофирма ва кичик корхоналар озод этилади.

Амалдаги солиқ қўнучилигига биноан хусусий корхоналарга солиқ имтиёзлари Солиқ кодекси ва мазкур соҳага оид тегишли қарорлар асосида таъбиқ қилинади. Шу билан бирга, «Хусусий корхона тўғрисида» ги қўнунга мувофиқ, хусусий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг корхона мулкдорининг тасарруфига ўтади ва унга солиқ солинмайди.

Яққа тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъек-


тлари учун ҳам алоҳида имтиёзлар кўзда тутилган. Жумладан, Президентимизнинг 1997 йил 31 мартдаги «Халқ бадийи ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонига асосан ўтган йил давомида солиқ органлари томонидан давлат рўйхатидан ўтиб, белгиланган тартибда «Хунарманд» уюшмасига аъзо бўлган ҳунармандчилик билан шуғулланувчи 5 минг 298 яққа тадбиркорга нисбатан имтиёзлар қўлланилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 августдаги «Юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ва деҳқон ҳўжаликларини аъзоларини давлат томонидан ижтимоий сугурталаш тўғрисида» ги қарори ҳам солиқ имтиёзлари беришда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳўжатга биноан худудий солиқ идоралари томонидан доимий иш жойига эга ҳамда 1-2-гурӯх ногиронлари тоифасига кирувчи яққа тадбиркорларнинг бюджетдан ташқари пенсия жағфармасига ундирилиши лозим бўлган тўловларнинг 50 фоиз миқдорини имтиёз берилиши ҳисобидан 24 минг 853 нафар имтиёзга эга жисмоний шахсга имтиёз қўлланилди. Бу ҳар бир фуқародан берилаётган имтиёзлардан унумли фойдаланиб, ўз ишини самарали ташкил қилишини тақозо этади.

Таъкидлаш жоизки, солиқ имтиёзлари бўйича яратилган бундай имкониятлар барча даражадаги бошқарув органларига, айниқса, ҳўжалик бошқаруви идоралари ва тузилмалари мутаъсади раҳбарларига катта маъсулият юқлайди. Чунки давлатимиз раҳбари белгиланган берган устувор вазила — прогрессив ва истиқболли инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, илгор технологияларни жорий этиш ҳамда даромадлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва рақобатбардош махсулотлар тайёрлашдан, лўнда қилиб айтганда, эркин бозор иқтисодиёти талабларига мослашиш ҳамда халқимиз фаровонлигини янада оширишдан иборатдир.

**ЎА МУХБИРИ
Турсунбой БОТМРБЕКОВ
суҳбатлашди.**

**САҲОВАТДАН ЧЕТДА
ҚОЛМАЙЛИК**



Мамлакатимиз пойтахти — Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳасимом) меъморий мажмуасида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида «Ҳазрати Имом (Ҳасимом) жамоатчилик жағфармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Президентимиз томонидан қабул қилинган Қарор бундан ҳамюртларимизнинг кўнелиларини хушнуд этди. Зеро, ушбу Қарор муқаддас ислон дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик гояларини кенг ёйишга хизмат қилиб келатган йирик илмий-маърифий марказининг асл тарихий қўёғасини тиклаш, бу ерда кенг қўллади қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилишасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутаяди.

Уйлаймизки, мамлакатимизда бу улуг ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўиши ниятида бўлган инсонлар, корхона, ташкилот ва муассасалар, тадбиркор ва ишибилармонлар қўллаб топшалади.

Биз газетамиз орқали ана шундай саховатпешаларга

ҲАЗРАТИ ИМОН (ҲАСТИМОН) ЖАМОАТЧИЛИК ЖАҲФАРМАСИНИНГ ҲИСОБ РАҚАМЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:
СТПР: 206849483
МФО: 00423
Х/р: 20212000604589442001
АТИБ Ипотека банки Меҳнат филиали.

**«САМАРҚАНД —
ГўЗАЛЛИК ВА
НАФОСАТ ШАҲРИ»**

КУВАЙТНИНГ АРАБ ТИЛИДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН НУФУЗЛИ НАШРЛАРИДАН БИРИ - «АЛ-ВАТАН» ГАЗЕТАСИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МАҚОЛА АНА ШУНДАЙ ДЕБ НОМЛАНГАН. КЎҲНА САМАРҚАНДНИНГ ТАРИХИ ВА МЕЪМОРЧИЛИК ОБИДАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАҚОЛА РАНГ-БАРАНГ РАСМЛАР БИЛАН БЕЗАТИЛГАН БЎЛИБ, ГАЗЕТАНИНГ БИР САҲИФАСИНИ ТЎЛИҚ ЭГАЛЛАГАН.

«Ушбу эртақмонанд шаҳарга ташриф буюрадиган ҳар бир инсон ўзи учун нафақат дунёдаги энг кўна шаҳарлардан бирининг тарихини, балки гўзаллик ва нафосатда тенги йўқ ёдгорликларнинг мафтункор оламини ҳам кашф этади. Бир пайлар маркази кўна ва навқирон Самарқанд бўлган буюк цивилизация тўғрисида қимматли маълумотлар олади», — деб ёзади нашр.

Шаҳар тарихи ҳақида сўзлар экан, «Ал-Ватан» буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур Самарқандни ўз давлатининг пойтахти сифатида танлаб, уни гўзал ва бетакорор шаҳарга - Шарк дурдонасига айлантирганини таъкидлайди. «Амир Темурнинг набираси - буюк астроном, олим ва давлат арбоби Мирзо Улўбек эса Самарқанднинг фойизга фойз кўиши ва унинг шон-шухратини бутун дунёга ёйди», — дейди Кувейт нашри.

Мақола муаллифлари Самарқанддаги кўна обидалар хусусида гапириб, қадимий шаҳар қалъаси, масжид ва мақбараларга алоҳида эътибор қаратган. Хусусан, «Шоҳизинда» ансамблини таърифлар экан, улар вақт ўтиши билан мазкур мажмуа меъморчилик санъатининг бекиёс намуналаридан иборат бўлган мақбара ва масжидларнинг нафис тўпламига айланиб қолганини таъкидлайди. «Амир Темур ва ундан кейинги даврларда Самарқанднинг донғини дунёга ёйиш мақсадида «Шоҳизинда» ни барпо этиш учун энг мохир усталар жалб этилгани боис у Осиёдаги меъморчилик санъатининг энг гўзал ва диққатга сазовор намуналаридан бирига айланган», — деб ёзилди нашр «Ал-Ватан» саҳифаларида.

Газета, шунингдек, кўна Самарқанднинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётини ҳам қаламга олган. «Ушбу даврда шаҳар ўзининг тўқима-чилик, гилам ва қоғоз махсулотлари билан ҳам ном қозонган. Самарқандда қоғоз ишлаб чиқариш ташкил этилганидан ярим аср ўтгач Бағрдода илк қоғоз фабрикаси пайдо бўлди. Самарқанд қоғози ўзининг олий сифати билан бозордан Мисринг турли қўринишдаги қоғоз ва тери махсулотларини сиқиб чиқаргани эътиборга молик», — деб ёзади нашр.

Муаллифлар Самарқанд узоқ асрлар давомида илм-фан ва маърифат маркази сифатида ҳам ном қозонганига эътибор қаратади: «Шаҳар ҳамиша ўзининг мадрасалари билан машхур бўлган шамақандликлар билим олишга катта эътибор қаратгани ва бу ерда турли фанлар юксак даражада ривожланганидан далолат беради». Мақола сўнгидеа ўқувчилар эътиборига Самарқанддаги энг диққатга сазовор ёдгорликларнинг тарихи, бу ерда яшаган ва иҳод қилган буюк олим ва мутафаккирлар ҳақидаги турли қизиқарли маълумотлар ҳавола этилган.

«Жаҳон» АА, Ал-Кувейт.

Бугунги кун мавзуси

**ПАРРАНДА ГРИППИГА МУСТАҲЖАМ
ТЎСИҚЛАР ҚУЙИЛГАН**

Хона, «Ўзбекистон хаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси махсус хизматларига катта маъсулият юқлатилган. «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК вакилининг ахборотига кўра, республикамизнинг темир йўл сарҳадлари саккизта давлат билан боғлиқ. Тошкент шаҳри йўналиши бўйича темир йўли Келес орқали ўтади. Бу бекатда дезинфекция ишлари режалари асосда амалга оширилиб келинади. Пойтахт Марказий вокзали орқали ҳар кун республикамизга 2,5-3,5 миңдан зиёд киши келади, шулардан 60 фоизи — мамлакатимизда истикомат қилади. Меҳмонлар асосан Россия ва Белоруссия давлатлари фуқаролари бўлиб, меҳмонлар ва албатта, уларнинг юқлари махсус санитар назоратида ўтказилади.

Мамлакатимиз хаво чегараларида ҳам хар тарли касалликларнинг олдини олиш юзасидан мажмуавий чоралар йўлга қўйилган. Миллий авиакомпания тасарруфида 13 та, шу жумладан, Тошкент халқаро ва маҳаллий аэропортида санитар-назорат шохобчаси мавжуд бўлиб, зарурат туғилганда, янги бирон-бир касаллик аломатлари сезилгудек бўлса, изолятор — махсус хоналардан фойдаланиш шароити ҳам яратилган. Ҳар

бир кириш-кейтиш йўналишлари бўйича кун тун навбатчилик ўрнатилган. Бу борада хавфи касалликлар, шу жумладан парранда гриппи аниқланган давлатлардан келаятган фуқароларга алоҳида эътибор қаратилади. Ветеринария-лаборатория текширувлари шу кунларда пойтахтимиз бозорларида ҳам қўнайитирилганини қўриш мумкин. Барча истеъмол махсулотлари, хусусан парранда гўшти, туҳум мутахассислар экспертизасидан ўтказилганда сўнг, яроқлигини тасдиқловчи тағма қўйилиб савдога чиқарилмоқда. Лекин, йиғилишда айтиб ўтилганидек, айрим бозорлар худуди ва атрофида тақиқланганига қарамастан, қушлар савдоси кузатилмақда. Бу борада «Тошбозорай-ёрловсавдо» уюшмаси раҳбариятига тегишли назорат органлари билан биргаликда бундай ҳолатларга чек қўиши ва қоидабуй

эғасига алоҳида эпизоотик вазият юзасидан тушунтириш берилиб, хавфининг олдини олиш учун ёввойи қушлар учиб ўтиш даври туғуғунга қадар вақтинча уй паррандаларини ёпиқ ҳолатда сақлаш лозимлиги юзасидан тавсиялар берилди.

Тошкент ҳайвонот боғида ҳам бу борада ветеринария хизмати билан ҳамкорликда чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 4,5 миң квадрат метрдан зиёд майдон бу ердаги жониворларнинг ёввойи қушлар билан тўқнашувини чеклаш мақсадида вақтинча махсус қоғлама билан берkitиб қўйилган.

Аммо, комиссия аъзолари эътирозларига қараганда, ҳануз сув хавзаларида аҳвол талабга жавоб бермайди. Маълумки, учиб ўтувчи қушлар айнан сувни жойларда бекат кидиради, демак, хавф янада кўчади. Республикамиз худудида 60 дан кўпроқ йирик сув хавзалари мавжуд. Тошкент шаҳрида сузувчи қушларнинг асосан «Бахт», «Роҳат» қўллари, Бектемир туманидан оқиб ўтувчи Чирчиқ дарёси, шунингдек, аҳоли истикомат қилувчи мавзеларга яқин анҳорларга қўниб ўтиш эҳтимоли бор. Пойтахтдан 106 канал ва ариқ оқади, шулардан фақат 37 таси бўйича санитар-эпидемиологик аҳвол шаҳар сув ҳўжалиги томонидан доимий кузатув остига олинган. Лекин, шаҳар Факулдига вазиятлар бошқармаси бошлиғи Эргаш Икромов айтиб ўтганидек, бу борада бошқа мутаъсади ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам маъсулиятини қўнайитириши керак. Айниқса канал ва ариқлар усти ва атрофидаги кўримсиз ноқонуний қурилмалар сув хавзалари инфосланишига асосий сабаб бўлаётгани алоҳида қайд этилди.

Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Миралишер Исломов таъкидлаб ўтганидек, мамлакатимизда парранда гриппи аниқланмаган, зеро бу борада барча муҳим чора-тадбирлар изчил ва режалари равишда ўтказилиб борилаёттир. Дарҳақиқат, факулдига вазиятлар юзга келишининг олди олинаёттир, аммо зарурат туғилса, биринчи навбатда нима қилиш керак деган саволга, бошқарма бошлиғи авваламбор вакцина зарурилигини айтиди. Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотлари бўйича, бугунги кунда россиялик мутахассислар томонидан парранда гриппига қарши препарат ишлаб чиқилган ва синовдан ҳамма ўтказилган. Демак, юқорида қўрилган масала яқин орада республикамизда ҳам ижобий тасдиғини топиши шубҳасиз.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

03-03 ҲАҚИҚАТ ДОМО БУЛАД...

МАШРИҚЗАМИН—ХИҚМАТ БҮСТОНИ

Тақдирдин не келса, Навоий, итоат эт — Ким, сен каби забун эрур амри қазага чарх. Эй Навоий, тақдирдан неки келса, итоат эт, эро, фалак ҳам Тангри иродаси олдиди охиридир.

Тенгридин кўркмай улким, қарибон

бода ичар,

Яхшироқдур бу мусулмонлигин тарсолик, Кимки қариганига қарамай, Худодан кўркмай май ичар экан, бундай мусулмонликдан насронийлик афзал.

Топмадим ахли замон ичра бир андоқ

ҳамдаме —

Ким, замон осибидин бир-бирга айтишсоқ

ғаме.

Бу дунёда замонадан етган озорларни айтиб дардлашадиган бир ҳамдам топмадим.

Тузлукка мойил ўлки, ишинг боргай илгари.

Тўғрилиқни одат қилсанг, ишинг илгари босади.

Тақаллуф эрур танга фарсудалиқ,

Анинг таркидур жонга осудалиқ.

Ўзани қийнаш жисми хараб қилади, уни тарк этиш жонга осойишталик бағишлайди.

Тавозуъ сахо қилмай элли шод қилур ва ато

кўргузмай кишини ғамдин озод қилур.

Тавозило киши яхшилик қилмай туриб ҳам одамларни шод қилади, бирор нарса бермай ҳам кишини ғамдан озод қилади.

Тузлукка тараб беҳаду андозадурур,

Ким ростдурур, юзи анинг тозадурур.

Тўғри кишининг қувончи чек-чегарани билмайди.

Тўғри кишининг юзидан нур ёғилади.

Тиндурур бою чигайни ҳокими равшанзамир,

Ёрутур обод ила вайронани меҳри мунир.

Дано ҳукмдор худди қуёш обод ерга ҳам, вайронана ҳам бирдай нур сочгани каби, бойнинг ҳам, камбағалнинг ҳам кўнглини топади.

Таъма мазаллатқа далилдур ва ғанийи

томиъ хору залилдир.

Таъма хорлик нишонасидир ва тамагир бой хору тубандир.

Томиъдин қарам тилама, гадодин дирам

тилама.

Таъмагирдан марҳамат тилама, гадодин

чақа.

То хирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,

То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,

То зулму ситам жонига бедод ўлмас,

Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

То хирсу ҳавас асоси барбод, нафсу ҳаво қасри

вайрон, зулму ситам йўқолмай эл шод бўлмайди,

мамлакат обод.

Тирик чу охир ўлар, бас, ўкуш ғами муҳлик

Чекиб, ажал мададиға бу изтироб недур?

Чу ҳар кишики, туғар, ўлмайин йўқ имкони,

Не ишки, бўлмайин имкони йўқ, шитоб

недур?

Тирик мавжудот борки, оқибат ўлади. Шундай

экан, ўлимни ўйлаб, ғам-қайғу остида қолиш билан

ажални яқинлаштиришдан — шошилишдан

мақсад нима? Хар бир киши туғилибдими, ўлмас-

ликнинг иложи йўқ. Илоҳсиз ишки, барибир юз

берар экан, бу борада бегоҳликдан нима фойда?

Талоқи ситамгоран даҳр қардам,

Ки бас фитна зояд аз ин қахдуудин.

Дунё отлиг келинчакни талоқ қилдим, чунки у

билан бирга яшашдан фақат фитна туғилади, хо-

лос.

Таваккул ҳар ки созад шеваи ҳеш,

Зи бори миннати мардум ҳалос аст.

Ки набвад бори мардумро дар он базм,

Ки ў бар хони неъматҳои хос аст.

Кимнинг табииатида таваккул бўлса, одамларнинг

миннати юкни кўтаришдан ҳалос бўлади. Ҳақнинг

ўзи берган неъматлар дастурхониди бошқалар-

нинг бирор нарсаси бўлмагани маъкул.

Улча эрур тифлга шойиста иш,

Билки, кичикликда эрур парварши.

Болага лойиқ иш — уни ёшлиғида тарбиялаш-

дир.

Уч кишидан уч иш ёмон кўринур,

Сенга арз айлай ахли дунёдин:

Шоҳдин тундлик, ғанидин бул,

Молга майлу хирс донодин.

Дунёда уч кишидан уч иш ёмон кўринади: шоҳ-

дан тундлик, бойдан бахиллик, донодан молга

ўчлик.

Улки, санга элдин эрур айбў,

Элга доғи сендин эрур айбў.

Бировлар айбини сенга айтувчи киши сенин

айбингни ҳам ўзгаларга айтар.

Улч аҳволидин сен бўл баруманд,

Йўқ улким, олғай афёлингдин эл панд.

Кишиларнинг аҳволидан ибрат ол, аммо одам-

лар сенин ёмон хатти-ҳаракатингни кўриб иб-

ратланидиган бўлмасин.

Улки, хато сўзига оин эрур,

Зумда улким, бу хато чин эрур.

Нотўғри сўзлашга уринганлар ўзларининг ёлгон

сўзларини чин деб тушунишга ўрганган бўладилар.

Улки, ушатур босибон шишани,

Қилмас оёқ захминдин андишани.

Шишани босиб ушатувчилар унинг бирор оёққа

кириб, зарар беришини ўйламайдилар.

Улки, зарар шевасини тавр этар,

Элга демаким, ўзига жавр этар.

Кишиларга зарар етказишга ўрганганлар, халқ-

қагина эмас, ўзларига ҳам жабр қиладилар.

Эргаш ОЧИЛОВ

тайёрлаган



Шашка ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

ШАХРИМИЗДАГИ «САЁХАТ» МЕҲМОНХОНАСИ МАЖМУАСИДА ШАШКА БҮЙИЧА 14-20 ЭШЛИ ҲАҚИҚАТ ДОМО БУЛАД... ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ БЕЛЛАШУВЛАРИ БОШЛАНДИ.

Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Ҳиндистон, Тожикистон, Мўғулистон, Эрон, Жанубий Корея, Афғонистон, Туркменистон, Қирғизистон каби мамлакатлардан 120 дан ортик ёш шашка усталари иштирок этмоқда.

Юртимиздан эса Осийё чемпионатида Тошкент шаҳри ҳамда Андижон,

Бухоро, Самарканд, Сирдарё вилоятларидан жами 30 нафар спортчи ғалаба учун кураш олиб бормоқда. Уларнинг ўн учтаси шахримиз вакиллари-дир.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон шашка федерацияси турнир ташкилотчилари бўлишди.

Чемпионат 31 мартга қадар давом этади.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: Осийё чемпионатининг очилиш маросимидан лавҳа. Даврон Аҳмедов олган сурат.

САНЪАТ МАКТАБИДА ХОТИРА КЕЧАСИ

ЯҚИНДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН БАСТАКОРЛАР УЮШМАСИ, ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ҲАМКОРЛИКДА, ШАХРИМИЗДАГИ 3-БОЛАЛАР САНЪАТ МАКТАБИДА БАСТАКОР, ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНЪАТ АРБОБИ ҒАФУР ҚОДИРОВНИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ АДАБИЙ-БАДИИЙ, МУСИҚИЙ ХОТИРА КЕЧАСИНИ ЎТКАЗДИ.

— Ғафур Қодиров ўзининг ижодий педагогик фаолияти билан ХХ аср ўзбек мусиқа маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшган серкира ижодкор бастакордир, — деди жумладан Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раҳбари Рустам Абдуллаев. — Бастакорнинг жозибали кўшиқлари, симфоник ва сахна муси-

қаси, айниқса, болалар учун ёзган асарлари, миллий мусиқа санъатининг бойитиб келажак авлод учун бетакор мерос бўлиб қолди. Ижодий фаолияти давомида у турли жанрларга мурожаат этиб, ёрқин асарлар яратди. Симфоник оркестр учун «Ўзбек марши», «Симфония», «Ешлик увертюраси», «Шодлик марши», фортепиано учун «Рақс», «Рондо», дамли чолғулар оркестри учун «Шодлик» балети, виолончель ва кларнет учун пьесалар, торли кватрет, баян ва аккордеон учун «Парафраза»-лар, «Ғазал», «Ўзбекистон» каби романс ва кўшиқлар шулар жумласидандир. Бастакорнинг «Бахтимиз», «Севги куйлари», «Мирзачўл ёр-ёри», «Баҳор кўшиғи» каби эстрадалар кўшиқлари таниқли хонандалар репертуарини бойитди. Унинг ижодида болалар мусиқаси алоҳида ўрин эгаллайди. «Бахтли болалик», «Мактабжон — офтобжон», «Ёш пахтакорлар» кантаталари болалар ихроси учун мўлжалланган вокал-симфоник жанрининг вужудга келишига асос бўлди.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Давлат

консерваторияси ректори Дилора Муродова, Ўзбекистон санъат арбоби, профессор Аҳмаджон Жабборов, 3-Болалар санъат мактаби директори Ҳамидулла Сағдуллаев, Ўзбекистон Давлат консерваторияси Мусиқий педагогика кафедраси профессори Рауф Қодиров ҳам сўзга чиқиб, бастакорнинг босиб ўтган ёрқин ва нури ҳаёт ва ижод йўли ҳақида гапирдилар.

Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов ўқиган шеърлар эса кечанинг янада қизиқарли ва мароқли бўлишини таъминлади. Ўзбекистон халқ артистлари Раъно Шарипова, Шермат Ёрматов, Хайрулла Лутфуллаев ижросидаги куй-қўшиқлар йилгиланларни хушуд этди.

3-Болалар санъат мактаби ўқувчилари ижро этган «Богимизга марҳаб», «Она юртим», «Кўёш ва биз», «Баҳор келди», «Раҳмат, устозлар», «Биз истикбол эгасимиз» каби кўшиқлар ва «Бедана», «Самба» каби рақслар ҳам ўзига хос тарзда кечага файз ва тароват бахш этди.

«Унутмаймиз ёдингизни ва созингизни» деб номланган мусиқий кеча хотираларга, мусиқий куй ва қўшиқларга бой тарзда жуда мароқли ва мазмунли яқунланди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МҮЛК БИРЖАСИ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2007 йил 1 май куни соат 15:00да Республика кўчмас мулк биржаси биносининг савдолар залида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига куйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

1. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 09.08.2005 йилдаги №18404 ва 10.07.2006 йилдаги №11718-сонли ижро ҳужжатларига асосан, МХХ комендатурасида сақланаётган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, давлат рақами 10 R 1896 бўлган, «Mercedes-Benz S600» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 90 000 000 сўм.

2. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 11.05.2006 йилдаги №8175-сонли ижро ҳужжатларига асосан, Тошкент шаҳар «Севзор» номли автоуловлар сақлаш майдончасида сақланаётган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, давлат рақами 10 V 2288 бўлган, «Mercedes-Benz S320» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 73 386 000 сўм.

3. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 11.05.2006 йилдаги №8164-сонли ижро ҳужжатларига асосан, Тошкент шаҳар «Севзор» номли автоуловлар сақлаш майдончасида сақланаётган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, Қозоғистон Республикаси давлат рақами Х391NOM бўлган, «Ауди-100» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 4 500 000 сўм.

4. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 10.07.2006 йилдаги №11714-сонли ижро ҳужжатларига асосан, Тошкент шаҳар «Севзор» номли автоуловлар сақлаш майдончасида сақланаётган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, Қозоғистон Республикаси

давлат рақами Х283FUM бўлган, «УАЗ-452» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 1 080 000 сўм.

5. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Суд ижрочилари бўлинмаси томонидан Мирзо Улуғбек тумани фуқаролик судининг 06.01.2005 йилдаги №2-4527/04-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар «Севзор» номли автоуловлар сақлаш жарима майдончасида сақланаётган, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, давлат рақами 10AS 822 бўлган, «ВАЗ-2107» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 2 501 797,8 сўм.

6. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Суд ижрочилари бўлинмаси томонидан Мирзо Улуғбек тумани фуқаролик судининг 06.01.2005 йилдаги №2-4527/04-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар «Севзор» номли автоуловлар сақлаш жарима майдончасида сақланаётган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, давлат рақами 10AS 763 бўлган, «ВАЗ-2107» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 1 963 517,5 сўм.

Ушбу автотранспорт воситалари 2007 йилнинг 1 майда бўлиб ўтадиган илк аукцион савдоси куни сотилмаган тақдирда, аукцион савдолари 2007 йилнинг 3, 8, 10, 15, 17, 22, 24, 29, 31 май ва 5, 7, 12, 14, 19, 21, 26, 28 июнь кунлари давом эттирилади.

Шунингдек Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Сергели тумани судининг 20.09.2006 йилдаги ҳукмига ва 1-849/2006-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари томонидан хатланган, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, двигатели рақами 1703356, кузов рақами 1523323, шасси рақамсиз, ранги оқ (транспортни қайд этиш гувоҳномаси бўйича қизил-қарам), давлат рақами 30 О 3356 бўлган «ВАЗ-21011» русумли автотранспорт воситаси қайта аукцион сав-

доларига чиқарилмоқда. Бошланғич баҳоси - 1 630 000 сўм.

Очиқ аукцион савдолари 2007 йил 10, 12, 17, 19, 24, 26 апрел ҳамда 1, 3 май кунлари соат 15:00 да Республика кўчмас мулк биржаси биносининг савдолар залида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказилади.

Қизиқиб билдирган харидорлар ушбу кўчмас мулкни суд ижрочилари бўлинмаси вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб кўришлари мумкин.

Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро рақами ва санасини кўрсатган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридида закалат пулини Республика Кўчмас мулк биржасининг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МҒО: 00425, ИНН: 200933850, 20210000700571452062 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топширилган аризаларни ва закалат пуллари қабул қилиш савдога бир кун қолганда тўхтатилади.

Дикқат! «Тошкент оқшоми»нинг 15.01.2007 йилдаги №9 (10.818)-сонидида чоп этилган эълондаги Бектемир тумани суд ижрочилари томонидан аукцион савдоларига чиқарилган 32-турдаги автотранспорт воситалари Бектемир тумани суд ижрочиларининг 19.03.2007 йилдаги №Бек/3-сонли хатига асосан аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қиламиз.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-а уй, телефонлар: 399-79-52, 399-84-48, 144-44-73.

Интернетдаги сайтими: www.rkmb.uz
Лицензия: DB 001 №000004

Мунажжим башорати

САЁХАТ ВА САҒАРЛАР ОМАДЛИ БҮЛАДИ

27 МАРТ, СЕШАНБА
Кўёшинг Кўй буржи 7-даражасида бўлиши катта эҳтиёткорлик, консерватизм, зийраклик ва одамларни ҳам, вазиятни ҳам бошқара билиш билан боғлиқ бўлади. Бугунги кун фарзанди дунёга келтиришда хайрли кунлардан ҳисобланади. Уйдаги таъмирлаш ишлари, сафарлар ва саёҳатлар ҳам омадли бўлади. Йирик харидлар учун бугунги кун тўғри келмайди.

Оймома бугун инсонларни фаол ҳаракатларда хордик чиқариш, ижодий яратувчилик меҳнати билан машғул бўлишга даъват этади. Ҳовли, уй-жойларни ободонлаштириш ҳамда оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш хусусида бош қотириш хайрли бўлади.

Тўсатдан икки-учта электр лампочкасининг куйиб қолиши синишга олиб борувчи ноҳушлик аломатларидан ҳисобланади. Бугун соат 00.00 дан то 20.05 гача Ойнинг йўналишсиз ҳолатда бўлиши одамларда асоссиз тортинчоқлик ва ўз кучига ишончсизлик кайфиятларини келтириб чиқаради. Намоён этиладиган сабр-қаноат, олижаноблик бу кайфиятни енгитишга ёрдам беради.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 206

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақ